

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Уч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИМОВА ҚУНДУЗ ЮЛДАШЕВНА

**БИР НЕЧА ЖИНОЯТ ВА БИР НЕЧА ҲУКМ ЮЗАСИДАН ЖАЗО
ТАЙИНЛАШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Розимова Қундуз Юлдашевна

Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо

тайинлаш.....3

Розимова Қундуз Юлдашевна

Назначение наказания по совокупности преступлений и

приговоров.....21

Rozimova Qunduz Yuldashevna

Inflicting Penalty in instance of Multiple Crime and Multiple

Sentence.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИМОВА ҚУНДУЗ ЮЛДАШЕВНА

**БИР НЕЧА ЖИНОЯТ ВА БИР НЕЧА ҲУКМ ЮЗАСИДАН ЖАЗО
ТАЙИНЛАШ**

12.00.08 – Жиноят ҳукуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳукуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Үу28 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мирзаев Азиз Алишерович юридик фанлар доктори, доцент Палванов Марат Бейимбетович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» январдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (887-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «14» январь куни тарқатилди.

(2020 йил 14 январдаги 12-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Г.З. Тулаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан жазо тайинлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. 2016 йилда дунё миқёсида 13 млн.га яқин шахс жиноят содир этган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 23 % га ошган¹. БМТ шарҳларига кўра, илгари жиноят содир қилган шахсларнинг қайта жиноят содир этишининг асосий сабабларидан бири жазо тайинлаш амалиёти билан боғлиқ эканлиги, бундай шахслар томонидан қасддан янги жиноят содир этилишининг юқори даражаси одил судлов ҳамда жазони ижро этиш тизимининг жиноятчиларни тарбиялашга қодир эмаслигидир.

Жаҳонда жазо тайинлаш тизимига оид қонунларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш сиёсатини ўрганиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жазони индивидуаллаштириш, жиноят содир этишнинг олдини олишга қаратилган хулқ-атворни рағбатлантириш, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш бўйича қонун нормаларини такомиллаштириш ва миллий қонунчиликка илғор хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро стандартларнинг имплементациясини кучайтириш, жиноятлар рецидивини олдини олишнинг янги профилактик чоралари ва янада самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур соҳа муайян даражада либераллаштирилиб, жазо тайинлашда асосий эътибор жазолар тизими самарадорлигини ошириш, жиноятлар таснифида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар миқдорини кенгайтириш, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жазоларни ҳисоблаш қоидаларини шакллантириш, илгари судланганларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан профилактик ҳисобга олиш тартиби белгиланди. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, алоҳида жиний қилмишларни декриминаллаштириш, жиний жазолар ва уларни ижро этиш тартибининг инсонпарварлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган»²лиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

¹ www.unodc.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. № 6. 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашни такомиллаштириш масалалари республикамизда Қ.Р.Абдурасулова, Б.Д.Ахраров, Б.А.Ахмедов, Ш.Ё.Абдуқодиров, П.Бакунов, З.З.Нуруллоева, Р.А.Зуфаров, З.С.Зарипов, Ю.М.Каракетов, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, М.Усмоналиев, М.Х.Жиянов, М.Қодиров, М.З.Мукумова, У.Ш.Холиқулов, Ш.У.Умидуллаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда Жулиан Роберт (АҚШ), Лайден Харрис (АҚШ), Жорж (Буюк Британия) ва бошқалар томонидан бир нечта жиноятлар юзасидан жазо тайинлаш тадқиқ этилган.

МДҲга аъзо давлатларда бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш масалалари Г.З.Анашкин, М.И.Бажанов, Э.Борисов, Е.Благов, Д.Дядкин, В.К.Дуюнова, В.Д.Соловьев, С.Г.Спивак, Н.Н.Крупская, Ф.Ручкин, К.Михайлов, Фактулина, Т.В.Губаев, Н.В.Кузнецов, В.П.Малков, М.Н.Становский, И.С.Тишкевича, Ю.Н.Юшкова, Ю.С.Летников ва бошқалар³ томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидалари асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига илмий шарҳларда, дарслик, ўқув қўлланмаларда ёритилган. Бироқ мавзуга оид умумназарий ва амалий тусдаги масалалар ҳали ҳам тадқиқ этилмаганлиги, тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, унинг илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши зарурати мавжуд эканлигидан далолат беради.

³ Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари», «Жазони ижро этишга оид норматив ҳужжатларни ва жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш муаммолари» ҳамда «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари», «Хуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» каби илмий тадқиқотлари лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш;

айрим хорижий мамлакатлардаги бир неча жиноят ва бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлашга оид қонун нормалари ва амалиётни қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, уларнинг ижобий тажрибасини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда ҳар хил турдаги асосий жазолар қўшишни ҳисоблаш қоидаларини таҳлил этиш;

бир неча жиноят бўйича жазо тайинлашнинг бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашдан фарқини аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида судьялар ўртасида сўровномалар ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид жиноят-ҳуқуқий нормалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, тергов ва суд амалиёти, статистик ахборотлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда илмий билишнинг умумилмий диалектик, тарихий, расман-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўров ва тизимли таҳлил каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқнинг ҳар бир кунини озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаш лозимлиги асослантирилган;

аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган озодликдан маҳрум этиш муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги асослантирилган;

ЖК 60-моддасининг 5-қисмига кўра узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганида, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг энг кўп бўлган миқдори белгиланиши лозим. Бир неча жинойт содир этганлик учун ЖК 59-моддаси тартибида жазо тайинлашда ҳам шу қоидаларга амал қилиниши лозимлиги асослантирилган;

агар жинойтлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жинойтларнинг бири учун ёки ҳукмларнинг бирида асосий жазо сифатида, бошқа жинойт учун ёки ҳукмда қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, улар асосий жазо учун белгиланган муддат доирасида тўлиқ ёки қисман қўшилиши лозим. Бунда узил-кесил тайинланган жазо асосий жазо ҳисобланади ва айбловнинг ҳар бир моддаси ёки ҳукмларнинг ҳар бири билан маҳрум қилинган ҳуқуқларнинг барча турлари назарда тутилиши лозимлиги асослантирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир неча жинойт шакллари, хусусан, такроран, жинойтлар мажмуи ва рецидив жинойт учун жазо тайинлашга оид қоидаларнинг қонунда аниқ белгилаб қўйилишига доир таклиф ишлаб чиқилган;

такроран жинойт содир этишдан воз кечиш зарурлиги асослантирилган; (сўровда иштирок этган судьяларнинг 82 % и қўллаб-қувватлаган);

жинойтлар мажмуи тушунчасининг янги таърифи ишлаб чиқилган;

ўта хавфли рецидивни рецидив жинойтлар турларидан чиқариш лозимлиги асослантирилган;

бир неча жинойт ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш учун содир этилган жинойтлар вақтини аниқ белгилаш таклифи ишлаб чиқилган;

жазоларни қўшишда озодликдан маҳрум қилиш, ушлаб туриш, қамокқа олишнинг бир куни озодликни чеклашнинг икки кунига тўғри келиши асослаб берилган;

бир неча жинойт ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда ҳар хил жазолар қўшилганда ушбу жазо муддатларини ҳисоблаш қоидалари ишлаб чиқилган;

ЖКга рецидив жинойт учун жазо тайинлашни белгиловчи янги таҳрирдаги нормани киритиш кераклиги исботланган;

озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни озодликни чеклашнинг икки кунига, уй қамоғи тариқасидаги эҳтиёт чорасининг бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тўғри келиши асослаб берилган;

ЖКнинг 59-моддаси саккизинчи қисмига кўра жинойтлар мажмуи бўйича жазо тайинланганда узил-кесил жазо қоида тариқасида Жинойт кодексининг Умумий қисмида белгиланган тартиб ва миқдорда тайинланиб, биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмас. Бундай

ҳолларда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмига эътибор қаратилиши лозимлиги асослантирилган;

шахсни рецидивист ёки хавфли рецидивист деб топишда 18 ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги ҳисобга олинмаслиги лозимлиги асослантирилган.

ЖКнинг Махсус қисмида оғирлаштирувчи белги сифатида 55 та моддасидан такроран жиноятни, 46 та моддасидан хавфли рецидивист ҳамда 17 та моддасидан ўта хавфли рецидивист тушунчаларини чиқариш ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, хулосалар социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларнинг таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали амалий жиҳатдан асослантирилган, олинган натижалар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот бир неча жиноят ва бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлашда мавжуд муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқишда, судьялар томонидан жазо тайинлаш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

суд жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамокнинг ҳар бир кунини озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ–389-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитасининг 2016 йил 7 июндаги 06/20/289-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд

амалиётида жазоларни ҳисоблашнинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди;

аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклиф ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмига қўшимча киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитасининг 2016 йил 25 майдаги 06/1-05/827вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда инсонпарварлик принципига риоя қилинишини таъминлайди.

Жиноят кодекси 60-моддасининг 5-қисмига кўра шахс бир неча ҳукм юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоларига ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади. Шунга кўра бу ҳолларда узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганида, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг энг кўп бўлган миқдори белгиланиши лозим. Бир неча жиноят содир этганлик учун ЖКнинг 59-моддаси тартибда жазо тайинлашда ҳам шу қоидаларга амал қилиниши лозим деган таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 20-банди тўртинчи хатбошига қўшимча киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПЛ-63-18–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш юзасидан ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклаш жазоларини судьялар томонидан бир хилда қўлланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Агар жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жиноятларнинг бири ёки ҳукмларнинг бири билан асосий жазо сифатида, бошқа жиноят ёки ҳукм билан қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, улар асосий жазо учун белгиланган муддат доирасида тўлиқ ёки қисман қўшилиши лозим. Бунда узил-кесил тайинланган жазо асосий жазо деб ҳисобланади ва айбловнинг ҳар бир моддаси ёки ҳукмларнинг ҳар бири билан маҳрум қилинган ҳуқуқларнинг барча турлари назарда тутилиши лозим деган таклиф Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 56¹-банд билан тўлдирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПЛ-63-18–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда асосий ва қўшимча жазоларни судьялар томонидан турли хил тартибда қўлланилишининг олдини олади;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 21 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг назарий жиҳатлари»** номли биринчи бобида жазо тайинлашнинг умумий асослари ва бу борадаги олимларнинг қарашлари гуруҳларга ажратилиб, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда ҳисобга олиндиган ҳолатлар, бир қанча жиноят тушунчаси ва шакллари бўйича жазо тайинлаш қоидалари ёритилган.

Бир неча жиноят шаклларининг ҳуқуқий белгилари ва жазо тайинлашдаги аҳамияти атрофлича ўрганилган. Бир қанча жиноятларнинг юридик аҳамияти ва шакллари жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан муддатидан олдин озод қилиш ва жазони ўтаб бўлгандан кейинги ҳуқуқий оқибатга оид масалаларни ҳал этишга таъсир қилиши тадқиқ этилиб, мазкур тушунчага оид ёндашувлар ўрганилиб, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда бир қанча жиноят тушунчаси бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, унинг аниқ илмий ва ҳуқуқий таърифи йўқлиги, бир қанча жиноят шакллари юзасидан жазо тайинлашда муаммоларнинг мавжудлиги ва бу борада ягона таърифни ишлаб чиқиш зарурлиги, такроран жиноят содир этиш нормасидан воз кечиш лозимлиги, жиноятлар мажмуи тушунчасига янги таъриф бериш, ўта хавфли рецидив жиноят тушунчасини жиноят қонунчилигидан чиқариш лозимлиги, шахсга нисбатан асоссиз равишда оғир жазо тайинланишининг олдини олиш, рецидив жиноят учун жазо тайинлаш нормасининг ҳуқуқий оқибати шахсни жазодан ва жавобгарликдан озод этилмаслигида намоён бўлиши алоҳида ўрганилган.

Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг аҳамияти атрофлича тадқиқ этилишда жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан олимлар (Б.Д.Ахраров, М.Рустамбоев, М.И.Бажанов, М.Усмоналиев, А.И.Рарог, Т.В.Непомняший, В.Дуюнов) томонидан билдирилган кўплаб фикрлар гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилиниб, жазо тайинлаш тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида бир қанча жиноят тушунчаси таҳлил этилиб, қатор олимлар (М.Жиянов, А.Иванов, Г.Г.Криволапов, В.В.Коряковцев, К.В.Питулько, А.И.Сорокин, В.П.Малков, Ғ.Эрматов, У.Ш.Холиқулов, Д.В.Бушков, С.Г.Спивак)нинг фикрларини ўрганган ҳолда, бир қанча жиноят шакллари, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Жазо тайинлашнинг жиноят ҳуқуқи назарияси ва жиноят қонунчилигидаги аҳамияти тадқиқ этилиб, мазкур тушунчага оид ёндашувлар ва мавжуд таърифлар ўрганиб чиқилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда жазо тайинлаш тушунчаси бўйича ягона ёндашувнинг йўқлиги ҳамда унга аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг ҳуқуқий мақоми жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, биринчи навбатда, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг назарий қоидаларини татбиқ этиш ва жиноят қонунчилигини амалда қўллашда жиноят ҳуқуқининг қатор институтлари билан узвий боғлиқлиги алоҳида кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди статистика маълумотларидан фойланилган. Ижтимоий сўров натижаларига кўра 82 % иштирокчилар такроран жиноят содир этишга оид нормани ЖКдан чиқарилиши мақсадга мувофиқ деб топишган. Чунки муаллифнинг таъкидлашича, бир қанча жиноят шакллариининг юридик аҳамияти шундан иборатки, бир қанча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш, жавобгарликдан ва жазодан муддатидан олдин озод қилиш ва жазо ўталганидан кейинги ҳуқуқий оқибатга оид масалаларни ҳал этишга таъсир қилади. Шунингдек, қатор олимлар (А.С.Якубов, Б.Матлюбов, А.К.Иркаходжаев У.Ш.Халиқулов, М.Рустамбоев, Р.Зуфаров, И.А.Сарокин)нинг фикрларича, бир қанча жиноят шакли бўлган такрорий жиноятнинг қонунчиликда белгиланган таърифи қонунни қўллаш фаолияти жараёнида, жиноятлар мажмуини квалификация қилишда ва жазо тайинлашда икки хил ҳисобга олишга олиб келганлиги, жиноят такроран содир этилган деб топилганида, ҳар доим жазонинг оғирроқ тури тайинланиши, яъни қилмиш такроран содир этилган, деб квалификация қилиниб, жазо тайинланадиган бўлса, муайян норманинг жавобгарликни оғирлаштирувчи тури сифатида қаралиши жиноятни автоматик тарзда оғир ёки ўта оғир турига айлантириб юборади. Бунинг натижасида шахсга нисбатан жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни қўллаш мумкин бўлмай қолади. Шу сабабли бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жиноят қонунини либераллаштириш ва соддалаштириш мақсадида такроран жиноят содир этиш институтидан воз кечиш лозим.

ЖКда бир қанча жиноят ва жиноятлар мажмуи тушунчасига муаллифлик таърифи бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатлар доирасини кенгайтириш зарурлиги, бунда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, ЖКнинг 54-моддаси иккинчи қисмига «Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини» жумласидан кейин «жиноят содир этилгунга қадар ва жиноят содир этганидан кейинги хулқини, оилавий ёки шахсий яшаш шароитини» жумласини киритиш таклиф этилди.

Диссертант томонидан ушбу бобда жиноятлар мажмуи тушунчасига оид олимларнинг фикрлари қуйидаги гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган:

биринчи гуруҳ олимлари жиноят қонунчилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида қарайдилар;

иккинчи гуруҳ олимлари ҳукм чиққунга қадар содир этилган жиноятларни жиноятлар мажмуи сифатида таъкидлайдилар;

учинчи гуруҳ олимлари Ўз.Р. ЖКнинг 33-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг судланмаганлигини жиноятлар мажмуи учун асос сифатида кўрадилар;

тўртинчи гуруҳдагилар эса илгари содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортик жиноятларнинг содир қилинишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф берадилар.

Диссертацияда бир қанча жиноят шакли бўлган рецидив жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти таҳлил қилиниб, ЖКнинг 34-моддасидаги ўта хавфли рецидивист тушунчасидан воз кечиш кераклиги асослаб берилган.

Ўтказилган статистик тадқиқотларнинг таҳлиliga кўра ЖКнинг 32-моддасидан такроран жиноят содир этиш институтини чиқариш масаласи юзасидан респондентларнинг 82 % и ушбу институт моҳиятан жиноят қонунчилиги концепциясида белгиланган талабларга мос келмаслигини билдирган. Шунингдек, рецидив жиноятни жиноят қонунчилигидан чиқарилишига муносабатингиз деган саволга 60 % респондент фақат ўта хавфли рецидив жиноятни жиноят қонунчилигидан чиқариш мақсадга мувофиқ, деган фикрни билдирган.

Юқоридаги сўровнома натижалари ҳам такроран жиноят институтини ва ўта хавфли рецидив жиноятни жиноят қонунчилигидан чиқариш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг амалий масалалари**» номли иккинчи бобида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш билан бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, бир неча жиноят ва бир неча

ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва жазоларни қўшиш тартиби ва суд ҳукмлари таҳлил қилинган.

Диссертант ушбу бобда ЖКда бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда турли хил жазоларни бир-бири билан қўшиш қонидаси тўлиқ берилмаганлигини асослаган. Жумладан, озодликни чеклаш жазоси билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўшганда ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшганда жазолар қандай тайинланиши лозимлиги ЖКда кўрсатилмаганлиги, лекин суд амалиётида озодликни чеклаш жазосининг бир куни озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўшиш қоидаларига ҳавола қилинган ҳолда жазо тайинланаётганлиги таҳлил қилинган.

Таҳқиқотчи бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаётганда турли хил жазоларни қўшишни жазони ўташдан бўйин товлаганлик туфайли жазоларни алмаштиришдан фарқлаш лозимлигини таъкидлаган. Озодликни чеклаш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан энгиллигини ҳисобга олиб, суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида жазоларни қўшиб ҳисоблаш қоидалари назарда тутилган ЖКнинг 61-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир куни озодликни чеклаш жазосининг икки кунига, шунингдек ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғининг бир куни озодликни чеклаш жазосининг икки кунига тенглаштирилади, деган ўзгартиришнинг жиноят қонунчилигига киритилиши асослантилган.

Диссертациянинг «**Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси ва жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш масалалари**»га бағишланган учинчи бобида бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

2006 йил 3 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида суд амалиёти материаллари таҳлили, тамом бўлмаган иккита жиноят учун белгиланадиган жазо, иккита тамом бўлган жиноятга белгиланадиган жазога қараганда оғир бўлаётганлигини кўрсатади. Шу сабабли юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори 49-бандига тегишли ўзгартиш киритиш лозимлиги асослантилган.

Муаллиф томонидан бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда такроран жиноятдан воз кечиш назарда тутилиб, бундай ҳолатларда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш, Ўзбекистон Республикаси ЖК ва Олий суди Пленумининг тегишли қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Мамлакатимиз ЖКда жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган ҳолатларда суд амалиётида шахнинг жиноят содир этгандан олдинги ва кейинги ҳуққи ва оилавий яшаш шароитларини ҳар доим ҳам ҳисобга олмасликларини назарда тутиб, диссертант томонидан ЖКнинг 54-моддасига тегишли қўшимча киритиш таклиф этилган.

Муаллиф айрим хорижий давлатлар жиноят қонунларини тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиб, ижобий томонларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиб, ушбу таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини либераллаштирилиш сиёсатига тўла мос келишини асослантирган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг тасдиқланишидан мақсад ҳам миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилишдир.

Бугунги кунда жаҳонда бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш борасида ягона тажрибанинг мавжуд эмаслиги, жиноят-ҳуқуқий манбалар ва ҳуқуқ тизимларининг алоҳида эканлиги (роман-герман, англо-саксон ва МДҲ мамлакатлари жиноят қонунчилиги)дан келиб чиқиб, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш чегараси бўйича маълумотлар икки гуруҳга ажратилиб таҳлил қилинган.

Биринчи гуруҳга кирувчи давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР) нинг жиноят қонунчилигини ўрганиш асосида жиноятлар жамини ҳукм қонуний кучга киргунга қадар содир этилган жиноятлар ташкил этиши ва бир қанча жиноятларнинг шакли бўлган рецидив жиноятлар учун санкцияда кўрсатилган жазонинг икки баробари миқдорида жазо тайинланади, деган ҳулосага келинган.

Иккинчи гуруҳдаги давлатлар (МДҲ давлатлари: Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина ҳамда Грузия) жиноят қонунчилигида ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар учун бир неча жиноят юзасидан жазо тайинланади, шунингдек ушбу нормаларни ўрганиш натижасида бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазоларни қўшиш қоидалари ўзаро фарқланиши аниқланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жазоларни қўшиш қоидаларига оид нормасига тегишли ўзгартириш киритиш зарурлиги асослаб берилган.

Ушбу бобда вояга етмаганлар учун бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш либераллаштирилиши, хусусан, «*Шахс рецидив ва хавфли рецидив жиноят содир этганда* унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмаслиги асослантирилган.

Муаллифнинг фикрича, ЖКнинг 59-моддасига кўра бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашга оид нормада фақат бир қанча жиноят шакли бўлган жиноятлар мажмуи назарда тутилган. Шу боис ушбу нормага тегишли ўзгартиш киритиши лозимлиги асослантирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори 17-бандига кўра рецидив жиноят деб топиш учун шахс томонидан муқаддам содир этган жинояти туфайли судлангандан сўнг, янги жиноят содир қилганлиги талаб этилиши туфайли охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ЖПК [528-](#), [531-моддалари](#) мазмунига кўра шахс унга айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб судланган, деб топилади. Ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб унинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилингунга қадар ўтган вақт ичида содир этилган янги жиноят рецидив жиноятни ташкил этмайди. Шундай экан ҳукм қонуний кучга киргунга қадар содир этилган жиноятлар бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашни ҳам ташкил этмаслиги керак. Диссертант томонидан суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жиноятнинг содир этилган вақтини жиноят қонунчилигида аниқ белгилаш лозимлиги асослантирилган.

ХУЛОСА

Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш масаласини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича хулоса ва тавсиялар:

1. Жазо тайинлашнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди:

«**жазо тайинлаш**—жиноят қонун ҳужжатларига мувофиқ ЖКнинг принципларига асосланган ҳолда суд томонидан жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсга тайинланадиган жазо тури ва миқдорининг белгиланиши».

2. Бир қанча жиноятнинг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди ва уни ЖК саккизинчи «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» бўлимига киритиш таклиф этилди:

«**бир қанча жиноят содир этиш** – шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши».

3. Жиноятлар мажмуи тушунчасига оид олимларнинг фикрлари тўрт гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган:

биринчи гуруҳдаги олимлар жиноят қонунчилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида қарайдилар;

иккинчи гуруҳ олимлари ҳукм чикқунга қадар содир этилган жиноятларни жиноятлар мажмуи сифатида таъкидлайдилар;

учинчи гуруҳ олимлар, ЖКнинг 33-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шахснинг судланмаганлигини жиноятлар мажмуи учун асос сифатида кўрадилар;

тўртинчи гуруҳдагилар эса илгари содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир қилинишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф берадилар.

4. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда юридик факт сифатида содир этилган жиноятнинг вақти юзасидан хорижий давлатлар олимларининг фикрлари шартли равишда икки гуруҳга ажратилди:

биринчи гуруҳдагилар ҳукм чиқарилган, лекин ҳали қонуний кучга кирмаган ҳолда маҳкум томонидан янги жиноят содир қилиниши бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш учун асос бўлади деб ҳисоблайдилар;

